

**Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-
эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси
томонидан 2024 йил 6 ойда амалга оширилган ва йил якунига қадар
режалаштирилган ишлар ҳақида маълумот**

Республика бўйича **12 млн. нафар** болаларда **13 турдаги** вакциналар билан бошқарилувчи юқумли касалликларга қарши эмлаш тадбирлари миллий эмлаш календари асосида ташкил этилди. Жумладан: Даволаш-профилактика муассасаларини эмлаш пунктларига **13 турдаги** юқумли касалликларга қарши эмлаш учун вакциналарни захираси яратилди.

472 740 доза ротавирус вакцина, **247 970** доза КПК, **565 880** доза гепатит В, **902 560** доза БЦЖ вакцина, **304 250** доза пневмококк, **152 000** доза ОПВ, **1 658 100** доза пентавалент, **1 625 000** доза ИПВ ва **2 095 000** доза қизамиқ вакциналари тақсимланиб, даволаш-профилактика муассасаларини эмлаш пунктларига етказилди.

Республика бўйича **407 643** нафар гўдаклар вирусли гепатит Вга қарши ВГВ вакцинаси билан, **405 500** нафар сил касаллигига қарши БЦЖ вакцинаси билан **99,4** фоизга эмланди. Полиомиелитга қарши **1 893 403** нафар болалар ОПВ вакцинаси билан (**99,0%**), **1 367 583** нафар болалар (**99,1%**) ротавирус инфекцияга қарши, **1 344 918** нафар (**98,3%**) болалар пентавалент вакцинаси билан дифтерия, кўкйўтал, қоқшол, гепатит В, хиб инфекцияларига қарши, **1 370 775** нафар (**98,5%**) болалар пневмококк инфекцияга қарши, **828 071** нафар болалар (**98,8%**) АКДС вакцинаси билан, **395 962** нафар болалар (**99,1%**) АДС-М вакцинаси билан, бир ёшдаги **398 484** нафар болалар КПК вакцина билан қизамиқ-паротит-қизилчага қарши **99,4** фоизга эмланди.

4 ойликдаги **439 832** нафар (**99,2%**), **9** ойликдаги **418 006** нафар болалар (**99,2%**) ИПВ вакцинаси билан полиомиелитга қарши эмланди. **6** ёшдаги **358 404** нафар (**99,5%**) болалар қизамиқ-паротит-қизилчага қарши КПК вакцинаси билан, **9** ёшдаги **260 860** нафар (**95,7%**) қиз болалар бачадон бўйни саратонига қарши ВПЧ вакцинаси билан эмланди.

Айтиб ўтиш жоизки бутун дунёда европа минтақасида шу билан бирга республикада ҳам 2024 йилда 2023 йилга нисбатан қизамиқ касаллиги бўйича эпидемик кўтарилиш рўйхатга олиниб эпидемиологик вазият мураккаблигича қолмоқда. Қизамиқ бўйича эпидемиологик барқарорликка эришиш мақсадида маълум сабабларга кўра эмланмасдан қолиб кетганлар: (тиббий чеклов, эмлашдан бош тортиш) бир маротаба эмланганлар ва эпидемиологик ўчоқларда мулоқотда бўлганларни ва 6 ойликдан 1 ёшгача бўлган болаларни қўшимча эмлаш учун **2 095 000** доза қизамиқ вакцинаси ҳарид қилиниб, **жорий йил 2 апрелдан 1 июлгача 1 155 356** нафар болалар эмланди ва эмлаш ишлари давом этмоқда. **1,5** млн. доза қўшимча қизамиқ вакцинаси захираси яратилди.

Шунингдек, 2024 йилда COVID-19 га қарши 1 772 532 доза (3 401 нафари 1-доза, 151 нафар 2-доза, 243 001 нафар бустер доза ва 1 525 979 нафар ревакцинация) билан 12 ёшдан ошган болалар ва катталар орасида оммавий эмлаш тадбирлари ўтказилди.

Амалга оширилган профилактик ва эпидемияга қарши чора-тадбирлар натижасида жорий йилнинг 6 ойида айрим юқумли касалликлар ўтган 2023 йилнинг шу даврига нисбатан пасайиши кузатилди. Юқумли касалликлар бўйича эпидемик вазиятнинг барқарорлиги таъминланди.

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси томонидан ўтган давр мобайнида қўйидаги лойиҳаларга старт берилди ва бугунги кунда мувафиқиятли амалга ошириб келинмоқда.

1. Корея халқаро ташкилоти (KOICA) “Ўзбекистонда касалликлар юқини камайтириш учун юқумли касалликларга қарши курашиш салоҳиятини кучайтириш” лойиҳаси;

2. Корея халқаро соғлиқни сақлаш жамғармаси (KOFIH) «Ўзбекистон Республикасида юқумли онкологик касалликларни олдини олишда ташхислаш салоҳиятини ошириш ва аҳолининг хабардорлигини ошириш» лойиҳаси;

3. Германия халқаро ҳамкорлик жамиятининг (GIZ) “Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш стратегиясини амалга оширишга кўмак” лойиҳаси.

Шу билан бирга, ўткан давр мобайнида қўйидаги Битим ва Меморандумлар имзоланди;

- “Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Россия Федерацияси Ҳукумати ўртасида аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида Битим”.

- Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси ва Корея халқаро соғлиқни сақлаш жамғармаси (KOFIH) ўртасида «Ўзбекистон Республикасида юқумли онкологик касалликларни олдини олишда ташхислаш салоҳиятини ошириш ва аҳолининг хабардорлигини ошириш» лойиҳасини амалга ошириш юзасидан англашув Меморандум;

- Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси билан Жанубий Кореянинг AitheNutrigene компанияси ўртасида англашув Меморандум.

АҚШ касалликларни назорат қилиш марказлари (CDC) билан ҳамкорликда Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси Марказий Осиё давлатларининг эпидемиология бўйича мутахассислари 9-ойлик FETP Intermediate дастурини ташкил қилди. Ушбу дастурда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тоджикистон

ва Турканистон давлатларидан жами **16** нафар курсантлар 2024 йил март ойидан ўқув курсни бошлади. Ушбу ўқув дастурида Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси томонидан **2** нафар ментор ва **4** нафар курсантлар иштирок этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 4 июлдаги “Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги соҳасида кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги **272**-сонли Қарорига асосан Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги соҳасида кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш маркази ташкил этилди.

Марказ томонидан **14** та **36** соатлик, **2** та **72** соатлик, **5** та **144** соатлик малака ошириш дастурлари ҳамда **18** та ихтисослаштириш курслари дастурлари ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Тасдиқланган дастурлар асосида 2023 йилнинг сентябр ойидан бошлаб малака ошириш ва қайта тайёрлаш жараёнлари амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, **144** соатлик малака ошириш курси дастурлари асосида **269** нафар, **72** соатлик малака ошириш курси дастурлари асосида **69** нафар, **36** соатлик малака ошириш курси дастурлари асосида **169** нафар тингловчилар малака оширди ҳамда **288** ва **504** соатлик қайта тайёрлаш курслари дастурлари асосида **69** нафар тингловчилар ихтисослаштириш курсларида таҳсил олди.

“Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг илмий-амалий Журнали” хизматининг 90-йиллигига бағишланган махсус сони чоп этилди.

2023 йилда республика бўйича тиббиёт олий таълим муассасаларининг тиббий-профилактика факультетининг **524** битирувчиларининг ишга жойлашиш жараёни ҳамда ёш мутахассисларнинг иш фаолияти мониторинги амалга оширилди.

Миллий референс лаборатория

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси ва унинг ҳудудий бошқармалари қошида жами **115** та санитария-гигиена, **17** та радиология, **1** та токсикология, **15** та вирусология, **15** та ЎХЮК, **220** та паразитология ҳамда **216** та бактериология лабораториялари мавжуд.

Қўмита таркибидаги Миллий референс лаборатория мажмуаси халқаро **ISO/IEC 17025:2017** стандартини жорий этди ва ушбу мажмуа томонидан тақдим этилаётган текширув баёнлари дунёнинг **120** дан ортиқ давлатлари томонидан тан олиншига эришилди.

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасининг таркибий муассасаларидаги халқаро мақомга эга (ISO / IEC 17025-2019) бўлган лабораторияларни ташкил этилиб, уларнинг сонини **25** тага етказилди.

2024 йил ЮНОПС ташкилоти томонидан танлаб олинган лойиҳа институтлари томонидан жами **22** та муассасаларда реконструкция қилиш

ва капитал таъмирлаш ишларини амалга ошириш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ишлари бошлаб юборилди.

Қурилиш, реконструкция ва капитал таъмирлаш ишлари билан боғлиқ хариди бўйича айти вақтда **22** та лойиҳа объектлари лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича жами **2** та лойиҳа институтлари ЮНОПС ташкилоти томонидан танлаб олинди. Айти вақтда ушбу лойиҳа институтлари томонидан лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш жараёни олиб борилмоқда.

Асбоб-ускуналар хариди бўйича жами **204** та муассасалар хатловдан ўтказилган ҳолда жами **400** турдаги **8 000** дона ускуналарга техник талаблар ишлаб чиқилди ва айти вақтда тегишли мутахассислар билан келишиш ва харид жараёнлари олиб борилмоқда.

